# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН КУРАШДА



**РЕСПУБЛИКА ЙЎЛЛАРИ ИНТИЗОМИ ҚАТЪИЯН ЯХШИЛАНЯПТИ, ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ ХИЗМАТИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ, КАДРЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНЯПТИ, УНИНГ ИХТИЁРИДАГИ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР ТАКОМИЛЛАШЯПТИ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАРНИНГ РОЛИ ОШДИ. ФАҚАТ СЎНГГИ ВАҚТЛАРНИНГ ЎЗИДА БИР НЕЧТА МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

**ШУНГА ҚАРАМАЙ, ЙЎЛЛАРДАГИ ВАЗИЯТ ҲАМОН МУРАККАБ. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ТАСОДИФЛАРИ СОНИ ОШИБ БОРАЯПТИ. АЙНИҚСА, БОЛАЛАРНИНГ КЎПРОҚ ЖАРОҲАТЛАНАЁТГАНЛИГИ ТАШВИШЛАНТИРАДИ.**

**ҲОЗИРЧА ШАҲАРДА АВАРИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШГА ДОИР ИШЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ КАМ ЁРДАМ БЕРАЯПТИ. БАЪЗАН, ЖАМОАТЧИ ИНСПЕКТОРЛАР ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ҲАРАКАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА НАВБАТЧИЛИККА ЧИҚИШМАЯПТИ, УЛАРНИ АВТОТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ИШЛАРИНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИГА ОЗ ЎРГАТИШЯПТИ.**

**КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ ШАҲАР ШТАБИ «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ ҲАҚИДА НИЗОМ»НИ ТАСДИҚЛАДИ.**

**КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ РАЙОН ШТАБЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИГА: — ШТАБЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА РАЙОН ТРАНСПОРТЛАРИДАГИ АВАРИЯ ХОЛАТИ МАСАЛАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ РАЙОН ШТАБЛАРИ ҲУЗУРИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАНСПОРТ СЕКЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛДИ.**



## «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

# НИЗОМ

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган кўнгилли халқ дружиналари (СДОБДД) жамоат тартибини муҳофаза қилишни кучайтириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун автотранспорт корхоналарида, ташкилотларида, муассасаларда, олий ўқув юртларида, техникумларда, пулли автомобиль тўхташ жойларида, гараж кооперативларида ва автоҳаваскорлар жамиятининг бошланғич ташкилотларида ташкил этилади.

СДОБДД фаолияти социалистик қонунларга қатъий риоя қилишга асосланади. Улар ўз фаолиятларида Ўзбекистон ССР қонунларига ва кўнгилли халқ дружиналари тўғрисидаги амалдаги низомларга амал қиладилар.

18 ёшга тўлган механик транспорт ҳайдовчилари, транспорт хўжаликларининг раҳбарлари ва инженер-техник ходимлари, йўл органларининг ходимлари, ўқув муассасалари, курслар ва автомотоклубларнинг ўқитувчилари, инструкторлари ва ўқувчилари, илгари юқорида айтиб ўтилган ихтисосликлар бўйича ишлаган пенсионерлар, шунингдек шахсий транспорти бўлган шахслар СДОБДД аъзолари бўлишлари мумкин.

СДОБДД аъзолари сафига ҳаракат хавфсизлиги пропагандаси ва агитацияси бўйича тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш истагини билдирган шахслар истисно тариқасида тартиб бузувчиларни мустақил тўхтатиш ва транспорт воситаларини текшириш ҳуқуқи берилмаган ҳолда қабул қилинишлари мумкин.

Давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари ва мансабдор шахслар СДОБДДга унинг тартибини мустаҳкамлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятида ёрдам бериб, ҳар томонлама кўмаклашадилар.

СДОБДД аъзоларининг фаолиятларига қарши ҳаракат қилиш уларнинг ҳаётига, саломатлигига, шахсиятига раҳна солиш, агар улар жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланаётган вақтда содир бўлса, тартиб бузувчилар СССР ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## СДОБДДнинг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ ДОИРАСИ

Кўнгилли халқ дружиналари тўғрисидаги Низомда белгиланган асосий вазифалар билан бир қаторда СДОБДДнинг вазифаси тегишли органларга қуйидаги ҳолларда ёрдам беришдан иборатдир:

Тошкент шаҳрида транспорт ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда;

барча қатнашчилар томонидан йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишида, уларнинг техник жиҳатдан соз бўлиши устидан назорат олиб боришда;

йўлларда болалар жароҳатланишининг, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида пиёдалар билан тушунтириш ишларини олиб боришда;

бевосита ҳайдовчилар коллективларида ва шахсий транспорт эгалари ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан профилактика ишларини ташкил этишда;

йўл ва кўчаларнинг транспорт ҳаракати учун хавфсиз ҳолатда бўлиши, уларнинг тунда ёритилиши, кўчалардаги сигнал белгиларининг ҳолатини назорат қилишда;

йўл-транспорт ҳодисаларида шикастланганларга биринчи ёрдамни кўрсатиш, уларни медицина муассасаларига етказиш, айбдорлар ва жабрланганларнинг шахсини аниқлаш, гувоҳларни топиш, милиция ходимлари етиб келгунга қадар ҳодиса рўй берган ерни кузатиб туришда;

ҳайдовчиларнинг давлат транспорт воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиши, ёнилғи-мойлаш материалларининг сақлашини ва иқтисод қилиниши устидан назоратни амалга оширишда;

автомобиль транспортида ташилаётган халқ хўжалиги юкларининг бутлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уй молларининг шаҳар ташқарисига қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олишда.

## СДОБДД ФАОЛИЯТИНИ УЮШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

СДОБДД транспорт корхоналари, маълум миқдордаги транспорт воситаларига эга бўлган завод ва фабрикалар, ташкилот ва муассасалар ходимларининг умумий йиғилишларида, шунингдек автомотоҳаваскорлар транспорт воситаларининг эгаларидан ташкил этилади.

Кўнгилли халқ дружиналари район штабининг тавсияси билан ихтисослаштирилган транспорт секциялари халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари томонидан бошқарилади.

СДОБДД аъзолигига транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган, иш, ўқиш ёки яшаш жойидан партия, касаба союз ёки комсомол ташкилотининг тавсияномасига эга бўлган шахслар қабул қилинадилар.

СДОБДД аъзоларига қабул қилинаётганлар зиммаларига юкланган вазифаларни «СДОБДД тўғрисидаги Низом»га мувофиқ бажаришга тантанали ваъда берадилар.

Ўз ҳуқуқ ва вазифаларини пухта ўзлаштирган, тантанали ваъда берган СДОБДД аъзоси СДОБДД командиридан ёки кўнгилли халқ дружиналари штабининг бошлиғидан транспорт секциясининг варағи бўлган белгиланган нусхадаги гувоҳномани олади. Биринчи марта аъзо бўлаётганлар, шунингдек, «Дружиначи» кўкрак нишони ва енг боғичини ҳам оладилар.

Ўз унвонига нолойиқ ҳаракат қилган ёки ўз вазифаларини бажармаётган СДОБДД аъзоси кўнгилли халқ дружинаси сафидан чиқарилади ва бу ҳақда унинг иш жойига хабар қилинади. Сафдан чиқариш ҳақидаги қарор кўнгилли халқ дружиналари район штабининг ихтисослаштирилган транспорт секцияси мажлисида қабул қилинади.

СДОБДДга очиқ овоз бериш усули билан 2 йил муддатга сайланган дружина командири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладилар.

СДОБДД фаолиятига оператив раҳбарлик район миқёсида кўнгилли халқ дружиналари район штабининг ихтисослаштирилган транспорт секцияси томонидан, шаҳар миқёсида эса Тошкент кўнгилли халқ дружиналари штаби томонидан амалга оширилади. Ихтисослаштирилган транспорт секциясининг раиси кўнгилли халқ дружиналари район штаблари томонидан тасдиқланади.

### РАЙОН КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАНСПОРТ СЕКЦИЯСИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН СДОБДД ТАРКИБИДА ҚУЙИДАГИ ГРУППАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

асосан маориф ходимлари, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ўқитувчилари ҳисобидан болалар йўл-транспорт жароҳатларининг олдини олиш группаси;

ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари ҳисобидан пиёдалар билан иш олиб борувчи группа;

Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ва пенсионерлардан иборат йўл ҳаракати қоидаларини пропаганда қилувчи группа.

## СДОБДД АЪЗОСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

СДОБДД аъзоси:

— автомототранспортда қоидалар бузилишининг олдини олиш, гражданларни совет қонунларига, шу жумладан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш ишларида фаол қатнашишга, давлат автомобиль инспекциясига кўмаклашишга;

— гражданларнинг обрў-эътибори ва ҳуқуқларини, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга;

— гражданларга нисбатан ҳурмат билан яхши муносабатда бўлишга (уларнинг ҳаракатлари гражданларга тушунарли ва адолатдан бўлиши лозим);

— жиноий ва жамиятга зид бошқа ҳаракатларнинг олдини олишга доир қонунда кўзда тутилган чораларни кўришга;

— меҳнатда, ўқишда, турмушда намуна бўлишга, ўз ғоявий, маданий ва унумтаълим савияларини мунтазам ошириб боришга;

— дружина командирининг кўнгилли халқ дружиналари район (шаҳар) штаби транспорт секцияси раҳбарларининг талабларини, шунингдек жамоат тартибини муҳофаза этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказилаётган пайтда ГАИ ходимларининг кўрсатмаларини ҳалол ва виждонан бажаришга;

— қонунларни ва бошқа ҳуқуқ қоидаларини оғишмай бажаришга, тартиб бузилишларига қарши курашнинг шакл ва усулларини қатъият билан ўзлаштиришга, ўзларининг совет қонунчилигига доир билимларини мунтазам кенгайтириб боришга;

— тайёрланаётган ёки содир бўлган жиноятлар, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши, табиий офатларнинг ёки гражданлар хавфсизлигига хавф солувчи бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақида кўнгилли халқ дружиналари штабларининг ихтисослаштирилган транспорт секцияларига, ички ишлар органларига, давлат органлари ва жамоат ташкилотларига ўз вақтида хабар қилишга, ана шундай ҳолларнинг зарарли оқибатлари олдини олиш чораларини кўришга;

— хизмат вазифаларини бажараётганда енгга тақиладиган боғич, гувоҳнома, кўкрак нишони, зарур ҳолларда кўрсатгич таёқларига эга бўлишга;

— дружинага тавсия этган ташкилот олдида ўз фаолиятлари ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боришга мажбурдирлар.

## СДОБДД АЪЗОСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

### СДОБДД АЪЗОЛАРИ ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

— йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини талаб қилиш, тартиб бузилишларининг олдини олиш;

— ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини бузилган ҳолларда транспорт воситаларини тўхтатиш;

— жиноятда шубҳаланган шахсларни ушлаш;

— ҳайдовчиларнинг транспортдан ғаразли мақсадларда фойдаланишларига тўсқинлик қилиш;

— жабрланган ёки беморни даволаш муассасасига етказиш;

— ҳайдовчиларнинг транспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини ёки ташилаётган юкка доир ҳужжатларни текшириш;

— ҳаракат хавфсизлигига раҳна солувчи ошкора нуқсонлар аниқланган ҳолларда транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш;

— йўл ҳаракати қоидалари қўпол бузилганлигини аниқланган ҳолларда ГАИ органларига ёки СДОБДД командирига рапорт билан маълум қилиш;

— тартиб бузилиши қандай вазиятда содир бўлганлигини ёки ана шу воқеага алоқадорликни аниқлаш зарур бўлган тақдирда йўл ҳаракати қоидаларини бузувчилардан транспортнинг ёки ҳайдовчининг шахсини аниқловчи бошқа ҳужжатлар кўрсатилишини талаб қилиш;

— маст ҳолда ёки гувоҳномасиз транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчиларни яқин орадаги ички ишлар бўлимига етказиш. Маст ҳолдаги ҳайдовчини кузатиб бораётганда унинг қочиб кетишига, автомобиль, мотоциклни бошқараётган шахсга тўсқинлик қилишига йўл қўймайдиган шарт-шароитларни таъминлаш;

— кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда беҳуш, шунингдек, бахтсиз тасодиф туфайли шикастланган шахсларни ёки тартиб бузувчиларни даволаш муассасаларига етказиш учун транспорт воситаларидан (махсус автомобиллар бундан мустасно) фойдаланиш.

Транспорт воситасидан фойдаланиш СДОБДД аъзоси ҳайдовчининг талабига кўра унга справка бериши ёки унинг йўл варақасига сафарнинг доимийлиги, босиб ўтилган масофа, ўз фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳномасининг номери ва дружинанинг номи кўрсатилган ёзувни қайд этиши лозим;

— хизмат вазифаларини адо этаётган пайтда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг телефонларидан фойдаланиш.

СДОБДД аъзосининг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1962 йил 15 февралдаги «Милиция ходимлари ва халқ дружиналарининг ҳаёти, саломатлиги ва обрў-эътиборига тажовуз учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига биноан халқ дружинасининг қонуний талабига қарши ҳаракат учун маъмурий жавобгарликка тортиш, унинг саломатлигига ва ҳаётига тажовуз этувчи ҳаракат учун жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

## СДОБДД ФАОЛИЯТИНИНГ ФОРМАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

### СДОБДД ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ҚУЙИДАГИ ЙЎЛЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРАДИ:

— гражданларни совет қонунларига, шу жумладан:

— йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш;

— транспорт ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилишда иштирок этиш;

— давлат автомобиль инспекциясига йўл-транспорт ҳодисаларига алоқадор ва ҳодиса содир бўлган ердан ғойиб бўлган шахсларни қидириб топишда, шунингдек олиб қочилган транспортларни ва шу жиноятни содир қилган шахсларни қидириб топиш; йўл ҳодисаларининг гувоҳларини аниқлашда ёрдам бериш;

— транспортнинг техник ҳолати ва уни эксплуатация қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда иштирок этиш;

— давлат автомобиль инспекциясига йўл ҳаракатини ташкил этишда ёрдам бериш руҳида тарбиялаш йўли билан.

## СДОБДД ФАОЛИЯТИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Кўнгилли халқ дружиналари район штабининг ихтисослаштирилган транспорт секциялари;

— ўз ваколатлари доирасида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, заводлар СДОБДД фаолиятига раҳбарликни амалга оширадилар ва уларни ишга йўллайдилар, СДОБДД сафларига меҳнаткашларнинг энг яхши вакилларини жалб этиш чораларини кўрадилар, СДОБДД фаолияти қонунга мос бўлишини таъминлайдилар;

— уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашини ташкил этадилар, раҳбарларининг хабарлари ва ҳисоботларини тинглаб борадилар, СДОБДД аъзоларини моддий-техникавий таъминлаш масалаларини ҳал этадилар;

— ҳаракат хавфсизлиги бўйича район ва шаҳар комиссиялари билан яқин ҳамкорликда ишлайдилар.

Автомобиль корхоналари, ташкилотлари, муассасалари, пулли автомобиль тўхташ жойларидаги, гараж кооперативларидаги СДОБДД аъзоларининг ишини оператив раҳбарликни СДОБДД командири, шунингдек СДОБДДга раҳбарлик вазифаси юкланган шахслар амалга оширадилар.

Бу шахслар:

— СДОБДД фаолиятини планлаштирадилар ва назорат қиладилар, дружина фаолияти натижаларини ҳисоб-китоб қилиб борадилар, умумий йиғилишларда муҳокама этиш учун СДОБДДни ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир масалаларни тайёрлайдилар, илғор иш тажрибаларини умумлаштирадилар;

— СДОБДД аъзоларининг йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга доир фаолияти формалари ва усуллари бўйича ташкил этадилар;

— бир йилда камида бир марта кўнгилли халқ дружиналари район штабининг ихтисослаштирилган транспорт секцияси олдида, шунингдек ташкилотлар, муассасалар, корхоналарнинг коллективлари олдида бажарилган иш ҳақида ҳисобот берадилар.

— алоҳида ўрнак кўрсатган СДОБДД аъзолари рағбатлантириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига тавсия этадилар.

Кўнгилли халқ дружиналари район штабларининг ихтисослаштирилган транспорт секциялари:

— ташкилотларда, корхоналарда, муассасаларда СДОБДДни ташкил этиш бўйича ташкилий ишларни олиб борадилар, уларнинг фаолиятини такомиллаштирадилар;

— СДОБДД фаолиятини планлаштирадилар, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бажариладиган тадбирларни ишлаб чиқадилар, дружиначиларни жой-жойларига тақсимлайдилар, фаолиятини йўналтириб борадилар, СДОБДД раҳбарлари ва аъзоларининг ўқувини ташкил этадилар;

— СДОБДД фаолиятини текшириб борадилар, аниқланган камчиликларни тугатиш чораларини кўрадилар, ижобий тажрибаларини умумлаштиришни кенг ёядилар;

— йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этадилар, шу мақсадда авария сабабларини тугатишга доир таклифлар билан давлат органлари ва жамоат ташкилотларига мурожаат қиладилар;

— СДОБДД аъзоларини кўкрак нишонлари, енг боғичлари, кўнгилли халқ дружиначиларининг ягона нусхадаги, ихтисослаштирилган транспорт секциясининг варағи бўлган гувоҳномалар билан таъминлайдилар;

— СДОБДД аъзоларини линиядаги ишни назорат қилиш ва аниқ ҳисоб-китоб олиб бориш учун махсус рапорт варақалари билан таъминлайдилар;

СДОБДД аъзоларининг транспорт ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилиш бўйича навбатчилик графигини тузадилар;

— давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси раҳбарлари билан биргаликда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилиш бўйича СДОБДД аъзоларининг постларини жойлаштирадилар, соқчилик маршрутларини ишлаб чиқадилар;

— СДОБДД аъзоларига автомобиль хўжаликларида, мактабларда, бошқа жойларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш учун йўлланмалар тарқатадилар;

— давлат автомобиль инспекцияси раҳбарлиги билан ҳамкорликда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари учун материалларни тайёрлайдилар;

— алоҳида ўрнак кўрсатган СДОБДД аъзоларини рағбатлантириш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қиладилар;

— СДОБДД аъзоларининг район кўриклари ва конкурсларини ўтказадилар;

— бажарилган иш ҳақида кўнгилли халқ дружиналарининг район ва шаҳар штаблари олдида ҳисобот берадилар.

Кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг транспорт секцияси:

— район ихтисослаштирилган транспорт секцияларининг ижобий иш тажрибаларини умумлаштиради ва кенгаяди, уларнинг фаолиятига методик ёрдам кўрсатади;

— Кўнгилли халқ дружиналари район штабларининг ихтисослаштирилган транспорт секциялари фаолиятини текширади, камчиликларни тугатиш чораларини кўради;

— СДОБДД шаҳар слётларини ўтказади, район транспорт секциялари раҳбарларининг ўқувини ташкил этади;

— давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг раҳбарлиги билан ҳамкорликда аварияларнинг олдини олиш ва ҳаракат маданиятини ошириш масалаларига доир таклифлар билан тегишли ташкилотларга ва жамоат ташкилотларига мурожаат қилади;

— ихтисослаштирилган транспорт секциясининг иши тўғрисида кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штаби олдида ҳисобот беради.

### ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАНСПОРТ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИНИНГ КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЛАРИ РАЙОН ШТАБЛАРИ ВА ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган дружиналар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси, шу жумладан Давлат автомобиль инспекцияси ва милиция район органлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлайдилар.

СДОБДД штабларининг милиция органлари, шу жумладан, автомобиль инспекцияси билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш вазифаси юкланган раҳбарлари қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

— райондаги оператив аҳволга доир ахборотларнинг ўзаро алмашинишини йўлга қўядилар;

— ишни планлаштириб, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қиладилар;

— йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш бўйича махсус тайёргарликни олиб борадилар.

— йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил этадилар;

— СДОБДД слётларини ва кўрикларини тайёрлайдилар ҳамда ўтказадилар;

— Партия, совет ва хўжалик органларига ҳаракатни ташкил этиш, такомиллаштириш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги таклифларни ишлаб чиқадилар;

— ГАИ комиссиялари таркибида ҳуқуқ бузилишларининг кўриб чиқилишида иштирок этадилар;

— энг яхши СДОБДД илғор тажрибалари ва иш усулларини бошқа транспорт дружиналарининг практикасига жорий этилишида ёрдам берадилар.

### РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Аварияларнинг олдини олиш ва йўл ҳаракати қоидаларини пропаганда қилишда фаол иштирок этаётган СДОБДД аъзолари кўнгилли халқ дружиналари тўғрисидаги мавжуд низомларга мувофиқ рағбатлантириладилар.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ». 16 ИЮЛЬ, 1985 й. 4-бет. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Р—12404. А-2172. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.